

**“Pandemiya sharoitida ta’lim tizmini rivojlantiriosh imkoniyatlari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-амaliy кonferensiya**

**Международная научно-практическая конференция «Возможности развития образования в условиях пандемии»**

**International scientific-practical conference "Opportunities for the development of education in a pandemic"**

**Conférence internationale scientifique et pratique "Opportunités pour le développement de l'éducation en cas de pandémie"**

# МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

# CONFERENCE PROCEEDINGS

# СБОРНИК СТАТЕЙ

"Pandemiya sharoitida ta'lim tizmini rivojlantirish imkoniyatlari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya maqolalari to'plami. 2020 yil 30 sentyabr. -Buxoro: 2020. ( I- Qism)

Mazkur to'plamda 2020 yil 30 sentyabr kuni Buxoro viloyati turizmni rivojlantirish departamenti va Buxoro davlat universiteti Turizm va mehmonxona xo'jaligi kafedrasi bilan hamkorlikda o'tkazilgan "Pandemiya sharoitida ta'lim tizmini rivojlantiriosh imkoniyatlari" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyaning maqolalari ifodalangan. Anjuman to'plamidan Oliy va kasb-hunar ta'limi, umumta'lim maktab o'qituvchilari, katta ilmiy xodim, mustaqil tadqiqotchi va izlanuvchilar, magistr va bakalavr talabalari, o'rta maxsu s, kasb-hunar ta'limi o'quvchilari foydalanishlari mumkin.

**Mas'ul muharrirlar:**
Z.S.Nurov - Buxoro davlat universiteti, Turizm va mehmonxona xo'jaligi kafedrasi mudiri, i.f.n.

**Taqrizchilar:**
B.N.Navro'zzoda - Buxoro davlat universiteti, Servis sohasi iqtisodiyoti kafedrasi professori,
A.Ch.Boboev - Buxoro muhandislik-texnologiya instituti, Menejment kafedrasi dotsenti, i.f.n.

**Dasturiy qo'mita:**
1. O.X.Xamidov - Buxoro davlat universiteti rektori, rais
2. D.Sh.Yavmutov - BuxDU Iqtisodiyot va turizm fakulteti dekani, a'zo
3. S.S.Ro'ziev - BuxDU Turizm va mehmonxona xo'jaligi kafedrasi dotsenti, a'zo
4. A.J.Abdullaev - BuxDU Iqtisodiyot kafedrasi mudiri, a'zo
5. S.U.Tojieva - BuxDU Servis sohasi iqtisodiyoti kafedrasi mudiri
6. B.N.Navro'zzoda - BuxDU Servis sohasi iqtisodiyoti kafedrasi professori
7. E.A.Farmanov - BuxDU Turizm va mehmonxona xo'jaligi kafedrasi o'qituvchisi, a'zo
8. I.O.Davronov - BuxDU Turizm va mehmonxona xo'jaligi kafedrasi o'qituvchisi, a'zo

**Tashkiliy qo 'mita:**
1. O'. Rashidov - BuxDU prorektori
2. O.Qahhorov - BuxDU prorektori
3. G.Zaripov - BuxDU bo' lim boshlig'i
4. H.Hamroyev - BuxDU Turizm va mehmonxona xo'jaligi kafedra dotsenti i.f.n.
5. S.Davlatov - BuxDU dekan o'rinbosari
6. B.Isomov - BuxDU o'qituvchisi

Mazkur to'plamga kiritilgan maqolalarning mazmuni, undagi statistik ma'lumotlar, sanalarning to'g 'riligiga hamda tanqidiy fikr-mulohazalarga mualliflarning shaxsan o'zlari mas'uldir.

Узбекистан от 27.08.2019г. за № УП-5789 «О внедрении системы непрерывного повышения квалификации руководящих и педагогических кадров высших образовательных учреждений» направлен на улучшение качества преподавания в высших учебных заведениях.

Используя новейшие педагогические технологии, положительный зарубежный опыт обучения данной дисциплины, новейшие научные исследования и учебную литературу педагоги должны способствовать подготовке качественных специалистов, соответствовуюшие международным стандартам.

Специалистам необходимы навыки и умение по привлечению туристов в сельского туризма и культурного наследия. В связи с этим изучение данного предмета и данной темы по экономическим направлениям бакалавриата является актуальным.

## ЖОЙЛАШТИРИШ МУАССАСАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Салимова Сарвиноз Фазлиддин қизи,
БухДУ магистранти.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва унинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга бўлган эҳтиёж ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларнинг рақамли ўзгаришларини амалга оширишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28-апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида "*дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали "рақамли тадбиркорлик"ни ривожлантириш, 2023 йилга келиб ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 бараварга ошириш ва уларнинг экспортини 100 миллион долларга етказиш*" [1] вазифаси белгиланган бўлиб, иқтисоднинг бир тармоғи бўлган туризм соҳасини ривожлантиришда рақамли маркетингни ўрганиб чиқиб, уни амалда қўллаш, шу соҳадаги корхоналарни ривожланиши ва рақобатбардош бўлиши учун дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш жараёнларининг самарадорлигини оширишга олиб келади. Туризм соҳасида ва жойлаштириш муассасаларининг рақобатбардошлигини оширишда рақамли маркетингни қўллашнинг аҳамияти илмий асослаш, ушбу мақоланинг зарурияти ва долзарблигидан далолат беради.

Рақамли маркетинг нима? Бунинг айнан бир таърифи йўқ, кўплаб олимлар ва маркетологлоглар бу тушунчага ўзларича таъриф беришган. Рус олими Грудистова Е. Г. қуйидагича таъриф беради: "Рақамли маркетинг (инг. Digital marketing) - бу рақамли технологиялар ёрдамида мижозларни жалб қилиш, ушлаб туриш ва мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш учун

интерфаол маркетинг" [2]. Архипова Н.И., Гуриева М.Т. "Рақамли маркетинг кенг маънода ҳар қандай воситалардан фойдаланадиган маркетинг деб талқин қилиниши мумкин" [3], Брутян М.М. "бу савдо маркалари ёки маҳсулотларини илгари суриш ва истеъмолчиларни жалб қилиш учун рақамли технологиялар ва электрон воситалардан фойдаланишдир" [4] деб ҳисоблайдилар.

С.М. Москалёв эса "Рақамли маркетинг аслида маҳсулот ёки брендларни бир ёки бир нечта электрон воситалар (оммавий ахборот воситалари) орқали реклама қилишдир" [5] деб ҳисоблайди. Унинг фикрича рақамли маркетинг анъанавий маркетингдан фарқ қилади, чунки у хўжалик юритувчи субъектга доимий равишда олиб борилаётган маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш ва ишнинг тўғрилигини баҳолашга имкон берадиган канал ва усуллардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Хорижий олимлардан Shaik Javed Parvez, H.M. Moyeenudin, S. Arun, R. Anandan, Senthil Kumar Janahan "Рақамли маркетинг - бу интернет орқали маҳсулотлар ёки брендларни реклама қилиш" - деб таъриф беришади [6]. Бу эса рус олимлари фикридан озгина фарқ қилади, чунки рақамли маркетинг Интернет-маркетинг билан чамбарчас боғлиқ (баъзида иккаласи синоним деб ҳисобланади). Шу билан бирга, рақамли маркетинг бу Интернет-маркетинг ва бошқа реклама каналларини ўз ичига олган кенгроқ тушунчадир. Бироқ, АҚШда Интернет маркетинг атамаси ҳанузгача кенг тарқалган ва Италияда рақамли маркетинг кўпинча веб-маркетинг деб аталади. Бир сўз билан айтганда барча таърифларнинг замирида ахборот технологиялардан фойдаланиш деган фикр илгари сурилади.

Ривожланган мамлакатларнинг туризм соҳасида рақамли маркетингни қўллашлари уларнинг туризм соҳасида катта ютуқларга эришишларига туртки бўлди. Бундан ташқари, рақамли маркетинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги бир қатор муаммоларни, хусусан, ташкилотлар ходимларининг коммуникатив компетенциясини шакллантириш, мижозни тинглаш ва тушуниш муаммоларини ҳал қилишга қодир [2]. Мижозларнинг диққат марказида хизмат кўрсатиш маркетинг замонавий концепциясининг мажбурий тамойили бўлиб, у ташкилотларни мижозларга энг юқори ва сифатли хизматларни тақдим этиш, улар билан узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрнатиш ва бошқарувнинг мослашувчанлигини оширишга йўналтиради.

Рақамли маркетинг, ҳозирги вақтда сайёҳлик хизматларининг истеъмолчилари - сайёҳлик маҳсулотларини қидириш, банд қилиш ва тўлашда интернет муҳитидан ҳаддан ташқари кўп фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда, туризм соҳасидаги компаниялар фойдаланадиган бизнес амалиётини кескин ўзгартирмоқда. 2020 йил июл ҳолатига кўра 4,57 миллиардга яқин одам Интернетдан фаол фойдаланган, бу эса дунё аҳолисининг 59 фоизини ташкил етади [7]. Шунинг учун ҳам сайёҳлик хизматларидан онлайн фойдаланувчи мижозлар сони кескин ортиб бормоқда. Сайёҳлик хизматларидан фойдаланувчи мижозларнинг - Интернет-муҳитга

ўтиш динамикасини ҳисобга олган ҳолда, туризм индустрияси корхоналари томонидан бундай стратегияларга эътибор бермаслик уларнинг инқирозга учрашига ва бозорни тарк этишига олиб келиши мумкин.

Рақамли технологиялар жойлаштириш муассасалари тизимига ҳам мустаҳкам кириб борди. Албатта, сайёҳлар ва меҳмонхоналар энг замонавий алоқа каналларидан фойдаланишга интилишади, бир томондан, мижозлар орзуларининг дам олиш жойини топишларини осонлаштириш учун, бошқа томондан, меҳмонхоналар мақсадли аудиториясини кенгайтириш осонроқ бўлади. Жойлаштириш муассасаларининг рақамли маркетингига қизиқиши йил сайин ортиб бормоқда. Бироқ, жойлаштириш муассасалари учун рақамли маркетинг тобора мураккаблашмоқда. Энди жойлаштириш муассасалари менежерлари нафақат ўзлари ўрганган хизматни тақдим этишлари, балки ҳар куни пайдо бўладиган янги каналлар ва рақамли технологиялар бўйича меҳмонлар учун рақобатлашишлари керак.

Шу сабабли, меҳмонхоналарнинг рақамли маркетинги қуйидаги йўналишлар бўйича таркибий қисмларга айланиши керак:
онлайн аудиторияни, унинг хулқ-атвор таркибий қисмини чуқур ўрганиш;
томошабинларнинг барча мумкин бўлган сегментларини жалб қилиш;
меҳмонхона ходимларини меҳмон билан рақамли алоқага ўтказиш;
текширувдан сўнг меҳмон билан ўзаро муносабатларни ташкил етиш [8].
Жойлаштириш муассалари учун энг самарали рақамли маркетинг воситалари бу қидирув тизими маркетинги, онлайн реклама кампанияси, электрон почта, онлайн ҳамкорлик, ижтимоий медиа маркетинги, вирусли маркетинг киради (1-расм).




1-расм. Сайёҳлик корхоналари учун рақамли маркетинг воситаларини таснифланиши [9].

Меҳмонхонанинг ҳар қандай веб сайти маркетологлар билан пухта ишлаб чиқилиши керак. Маркетологлар ўзига жалб қиладиган жозибали меҳмонхона сайтларни яратишлари, мижозларни сайтга жалб қилишлари

ҳамда сайтга кирган мижозларни иложи борича кўпроқ вақт ушлай олишлари ва яна қайтиб кириб, янгиликлардан хабардор бўлишга ундашлари керак. Бундай сайтларга мисол қилиб Instagram, Twitter, Snapchat, Facebook, YouTube ва бошқаларни айтиш мумкин.

Меҳмонхонанинг деярли барча ишчи ходимлари сайёҳлар билан тўғридан - тўғри боғлиқ бўлганликлари сабабли, улар ҳам хизмат кўрсатиш сифатига таъсир ўтказадилар. Меҳмонхона ичида мижозларга хизмат кўрсатишдан ташқари улар рақамли технологиялардан ҳам фойдалана олишлари зарур. Онлайн хона буюртма қилмоқчи бўлган мижозлар учун 24/7 хизмат кўрсатиш, саволларига тезкорлик билан жавоб ёзиш, ахборот билан таъминлаш, веб-сайтлар орқали боғланолмаётган мижозлар учун бошқа усулларни яъни электрон почтани тақдим этиб, муаммоларга тезда ечим топиш жуда муҳимдир. Аксарият мижозлар интернетдаги маълумотларга ишончсизлик билан қараб, тўғридан тўғри мулоқотни афзал кўришса ҳам, мижозларга онлайн хизмат кўрсатиш анча самаралироқдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги рақамли технологиялар, интернет асрида жойлаштириш муассалари рақамли маркетингни қўллашлари жуда муҳимдир. Мижозлар билан онлайн ҳамкорлик қилиш, уларнинг эҳтиёжлари қондирилгани ва йўқлиги ҳақида маълумот олиш, реал вақтда тўловларни амалга ошириш, қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш учун ахборот тизимларидан фойдаланиш ва янада кўпроқ эксперт тизимлар-буларнинг барчаси рақамли технологиялардан фойдаланадиган жойлаштириш муассасаларининг юқори самарадорлик ва рақобатбардошликка эришиш имконини беради.

Изланишлар натижасида, жойлаштириш муассасаларида рақамли маркетингни қўллашда қуйидаги вазифаларга кўпроқ эътибор бериш зарур деб ҳисоблаймиз:

● стандарт хизматлар (веб-сайтлар, оммавий ахборот воситалари ва контекстли реклама, дизайн, ишлаб чиқариш);

● рақамли муҳитда компанияни ривожлантириш бўйича комплекс стратегияни ишлаб чиқиш (тажриба ва реклама);

● ижтимоий медиа билан ишлаш (ижтимоий тармоқлар, блоглар, форумлар, ихтисослаштирилган сайтларда реклама);

● Онлайн / офлайн реклама комбинацияларида тадбирлар, танловлар (стратегия, ижодкорлик, ижро, ишлаш таҳлили) ни ташкил қилиш ва бошқалар.

Шуни эсда тутиш керакки, жойлаштириш муассаларининг рақамли маркетинг стратегияси самарали бўлиши учун у офлайн ва онлайн саёҳатчиларнинг ўзгарувчан тенденциялари ва хатти-ҳаракатларига мос бўлиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28-апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-

тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. // https://lex.uz/docs/4800657 //. Мурожаат қилинган вақт 29 август 2020й.
2. Грудистова Е. Г. Цифровой маркетинг в сфере сервиса и туризма как инструмент развития цифровой экономики // Научный результат. Технологии бизнеса и сервиса. – Т. 6, № 1, (2020), с. 45-54.
3. Архипова Н.И., Гуриева М.Т. Современные тенденции развития цифрового маркетинга // Текст научной статьи по специальности «СМИ (медиа) и массовые коммуникации» // Вестник РГГУ. Серия «Экономика. Управление. Право». (2018), № 1(11). С. 9-21.
4. Брутян Мурад Мурадович, “Цифровая революция в маркетинге” // Текст научной статьи по специальности «*Экономика и бизнес*» - Практический маркетинг (2019), №2 (264).
5. С.М. Москалёв внедрение цифрового маркетинга в деятельности отечественных товаропоизводителей” //Текст научной статьи по специальности «Экономика и бизнес» // Известия Санкт-Петербургского государственного аграрного университета (2015).
6. Shaik Javed Parvez, H.M. Moyeenudin, S. Arun, R. Anandan, Senthil Kumar Janahan “Digital marketing in hotel industry”// Article in International Journal of Engineering & Technology · April (2018).
7. Global digital population as of July 2020 // https://www.statista.com/statistics/617136/digital-population-worldwide.
8. Н.П. Овчаренко, К.И. Костенко, И.Г. Павленко, Цифровые технологии и диджитал-маркетинг: новые возможности для гостиничного бизнеса // Текст научной статьи по специальности «Экономика и бизнес» 2018 // https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovye-tehnologii-i-didzhital-marketing-novye-vozmozhnosti-dlya-gostinichnogo-biznesa.
9. Костин К.Б. Классификация инструментов цифрового маркетинга для предприятий отечественного и международного туристического бизнеса. Экономика и управление (2016); (1):55-57.

## O’ZBEKISTON TURIZM SOHASINI DIVERSIFIKATSIYA QILISH IMKONIYATLARI

BuxDU magistranti,
Kamolov X.Z.

Hammamizga ma’lumki, xizmat ko’rsatish sohasi kam xarajat bilan yuqori daromad olish uchun eng yaxshi sohalardan biri hisoblanadi. Xizmat ko’rsatish sohalaridan turizm sohasi esa ayrim davlatlarda YaIM ko’rsatkichida birinchi o’rinda turishi, bu sohaga yaxshigina e’tibor qilib, yuqori daromad olishga undaydi. Turizm sohasi bilamizki, o’zida qanchadan-qancha xizmatlarni mujassam etadi, ya’ni xorijiy mehmonning yurtimizga kelganidan to uning o’z Vataniga qaytguniga qadar oladigan barcha xizmatlar jamlanmasidir. Yurtimizda aynan turizm sohasida so’nggi uch yil ichida anchagina o’zgarishlar bo’lgani ham bu sohaning iqtisodiyotimiz rivojiga o’zining ijobiy ta’sirini ko’rsatmoqda.

| | |
|---|---|
| Жойлаштириш муассасалари рақобатбардошлигини оширишда рақамли маркетингдан фойдаланиш имкониятлари<br>Салимова Сарвиноз Фазлиддин қизи, БухДУ магистранти | 65 |
| O’zbekiston turizm sohasini diversifikatsiya qilish imkoniyatlari<br>BuxDU magistranti, Kamolov X.Z. | 69 |
| Минтақаларда туризм мухитини шакллантиришда таълим ва тарбия ҳамда касбий тарбия уйғунлиги. Қутлиева М.Г. Бухоро Давлат Университети | 73 |
| Туризм таълим тизимининг инновацион ривожланиш омиллари<br>Бозорова С.К. БухДУ. “Туризм ва меҳмонхона хўжалиги” кафедраси | 75 |
| Туризм таълими муассалаларида таълим-тарбия жараёнини назорат қилиш усулларини такомиллаштириш<br>Саидкулова Ф. БухДУ Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бош мутахассиси | 78 |
| **L**es nouvelles technologies dans l’education nationales Français<br>Michèle BOUYSSOU xonim, « Banque de France » - mutaxassisi,<br>BuxDUning fransiyalik ko’ngilli o’qituvchisi<br>Odilshoh BOBOKALONOV -Buxoro Davlat Universiteti o’qituvchisi<br>Fransua Rable nomidagi Tur davlat universiteti bitiruvchisi | 82 |
| Перспективы развития международного туризма<br>Тойирова С. А. БухГУ. Кафедра “Туризма и гостиничного хозяйства” | 84 |
| L'économie numerique en France<br>Daniel Moatti. François Bocquet. (GRENOBLE) | 87 |
| Проблемы развития туризма в регионах России<br>Стольникова Е.Ю. Дагестанский государственный технический университет (г. Махачкала) | 90 |
| Culture numerique a ecole<br>François Bocquet . UPMF de ALPES | 94 |
| Анализ состояния и перспективы развития въездного туризма в современной России<br>Тайгибова Таиса Тайгибдибировна. Дагестанский государственный технический университет (г. Махачкала) | 96 |
| Проблемы и перспективы развития туризма в России и Крыму<br>Першина Анна Васильевна, Кеппль Ольга Ивановна ФГАОУ ВО «Крымский Федеральный Университет» | 101 |
| Менеджмент в образовательной деятельности<br>Шамсутдинов Р.И.Костанайский педагогический колледж, Казахстан | 105 |
| Проблемы и вопросы теории и практики управления системы образования<br>Ахmатова М. БухГУ. Кафедра “Туризма и гостиничного хозяйства” | 108 |
| Совершенствование инновационный менеджмента на предприятиях туристской индустрии Узбекистана<br>Нигина Халимова. БухГУ. Кафедра “Туризма и гостиничного хозяйства” | 118 |
| Перспективы развития инфраструктуры туризма в Узбекистане.<br>Нигина Джафарова. БухГУ. Кафедра “Туризма и гостиничного хозяйства” | 121 |
| Innovatsion turizmning strategik yo‘nalishlari<br>O’roqova M.X. БухДУ | 126 |
| Проблемы развития внутреннего туризма<br>Душанова Ю.Ф.БухДУ | 129 |
| **О**сновные источники развития туризма в Узбекистане<br>Арипова М.С. БухГУ. | 132 |
| Проблемы системы образования в современных условиях развития демократического общества<br>Мухидов Ҳ. Региональный центр ПП и ПК работников СНО Бухарской области | 136 |

| | |
|---|---|
| Стратегические меры по предотврашению пандемии в Узбекистане<br>Авезов Т. Региональный центр ПП и ПК работников СНО Бухарской области | 139 |
| O’zbekistonda pandemiya sharoitida qulay transport xizmatlarini tashkil etish yo’llari<br>Buxoro davlat universiteti<br>“Turizm va mehmonxona xo’jaligi” kafedrasi o’qituvchisi<br>Kadirova Shafoat Xabibulloyevna | 142 |
| Jahon mamlakatlarida yaratilgan turistik klasterlar<br>Dushanova Yu.F.Buxoro davlat universiteti “Turizm va mehmonxona xo’jaligi” kafedrasi | 145 |
| Muzey va madaniy meros obektlarining jozibadorligini oshirishda pr-public relationdan foydalanish usullari<br>Radjabov Odil Olimovich. BuxDU “Turizm va mehmonxona xo’jaligi” kafedrasi o’qituvchisi. e-mail: genius18051992@mail.ru | 149 |
| Umum ta’lim maktablari tizimini takomillashtirishning maqsad va vazifalari<br>Astanova M.N. Buxoro shahar 1-maktab o’quv ishlari boyicha direktor o’rinbosari | 158 |
| Чет тилини ўқитиш ва ўрганишнинг турли усуллари<br>Юсупова М.Б.Бухоро шаҳар 1-мактаб | 161 |
| Цифровые технологии - важный инструмент развития музейной коммуникации.<br>Курбанов Ф.Г. БухГУ | 163 |
| «Santiago de compostela» tajribasi asosida Buxoro ziyorat turizmi jozibadorligini oshirish yo’llari<br>Axmedova Hilola Farmonovna. BuxDU, 10-1TUR-19 magistrant<br>hilolaaxmedova.95@gmail.com | 167 |
| Проблемы развития сельского туризма и использования объектов культурного наследия<br>Таджибаев М.Б. БухГУ. Кафедра “Туризма и гостиничного хозяйства” | 173 |
| Перспективы развития сельского туризма с учетом объектов культурного наследия<br>Умиров Ж. БухГУ. Кафедра “Туризма и гостиничного хозяйства” | 174 |
| Олий таълим муассасаларида қўшма дастурлар асосида кадрлар тайёрлаш муаммолари ва ечимлари<br>Исомов Бекмурот Сайфиддинович. Бухоро давлат университети | 177 |
| Проблемы и перспективы развития детского туризма<br>Нарзуллаева Гулчеҳра Салимовна. БухГУ. Кафедра Экономики. | 180 |
| Проблемы и перспективы развития туризма в Узбекистане<br>Арипова М.С. БухГУ. Кафедра “Туризма и гостиничного хозяйства” | 186 |
| Взаимосвязь германии и узбекистана<br>Рўзиева Г.Ф.БухДУ. Кафедра “Туризма и гостиничного хозяйства” | 191 |
| Развития международных связей как фактор развития туризма<br>Файзиева С.К. БухГУ. Кафедра “Туризма и гостиничного хозяйства” | 195 |
| Экологический туризм в узбекистане<br>Хайруллаева Н. БухГУ. Кафедра “Туризма и гостиничного хозяйства” | 199 |

"Fayz Print" MChJ
Bichimi 60x84. Kegli 13 shponli. «Times» garn.
Ofset qog'ozi. Bosma tabog'i 24. Adadi kelishilgan shartlarda.
Bahosi kelishilgan narxda